

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ЯШОВЧИ АЁЛЛАРДА ТУРЛИ ХИЛ СЕМИЗЛИК ФОНИДА ЮЗАГА КЕЛГАН ГОНАРТРОЗЛАРДА МЕДИАЛ МЕНИСКЛАРНИ ПАТОМОРФОЛОГИЯСИ

**Атажанов Муродбек Хударганович., Рузибаев Рашид Юсупович.,
Каримов Расулбек Хасанович.
Урганч давлат тиббиёт институти**

Аннотация: Хоразм вилояти мисолида аёлларда турли хил семизлик фониди юзага келган гонартрозларда медиал менискларни ўзига хослиги, харкатчанлик хусусиятини бўлмаслиги, оғирлик тушувчи юзасини катталиги, тана вазни оғир бўлган аёлларда доимий равишда жисмоний зўриқиши медиал мениск юзаси олдинги ўрта ва орқа шохлари васкуляр ва аваскуляр сохалари чеграларига тушиши натижасида, менискда импрессион эзилиши юзаларида коллаген толаларни деструктив дисрегенратив ўзгаришлари аниқланса, хужайравий таркибида изоген хондроцитларни сон ва хажм жихатдан кичиклашиши ва камайиши, экстрацеллюляр матриксни ахм кескин камайишига олиб келади. Бу эса, мениск қалинлигини кескин пасайиши ва оғир нуқталри юзаларида деструктив ўзгаришлар ва чандиқли жараёнларни устунлиги билан давом этиши аниқланади.

Калит сўзлар: патоморфология, менисклар, тизза бўғими, гонартроз, семизлик, аёллар.

Муаммони долзарблиги: Дунёда ахолиси орасида аёлларда семизлик туфайли тизза бўғими остеоартрити билан жами 7,6-8,1% ахолиси азият чекади. АҚШда тизза бўғими остеоартрити (ТБОА) ногиронликнинг асосий сабаби бўлиб, семизлик эпидемияси туфайли 50 ёшдан ошган аёлларнинг қарийб 35-40%да гонартрознинг турли даражалари аниқланган.

ВНО (ЖССТ) маълумотларига кўра, Европа ва Буюк Британияда 45-50 ёшлиларни 60%да ортикча вазн сабабли, тизза бўғими остеоартрити (ТБОА) аёллар орасида 38-43,1% ни ташкил этгани аниқланган.

Россия федерацияси 2024 йилги маълумотларга кўра, Россияда аёллар орасида семизлик тарқалиши 28.6% га етган (эркакларда 20.9%). Гонартроз билан оғриган аёллар гуруҳида семизлик эркакларга нисбатан 83% га кўпроқ учрайди. МДХ давлатларида бу кўрсаткич 2022 йилдаги маълумотлар бўйича, 45-55 ёшли аёллар орасида 38,4-51,3% ни ташкил этиб, бу кўрсаткич хар йилига ўртача 1,2% га ошганлиги аниқланди. Ушбу контингентни 60-74% да тизза бўғими гонартрозини турли даражалари аниқланган.

Мамлакатимизда аёллар орасида семизлик фонида ривожланган гонартроз билан 45-60 ёшлиларда рўйхатдан ўтганларни сони ўртача 2,2млн ни ташкил этган бўлса, Гендер тенглиги бўйича бу кўрсаткич, аёлларда эркакларга нисбатан 2,5-3,0 баробарга кўплигини тасдиқлайди. Хоразм вилоятида жами 45-55 ёшлилар орасида семизлик фонида ривожланган тизза бўғими остеоартрити (ТБОА) аҳолини 10-12% ни ташкил этиб, шулардан, 1-2 даражали гонартрозлар 65-70% ни ташкил этса, 30-35%ни 3-4 даражали гонартрозлар ташкил этганлиги аниқланган.

Тадқиқот мақсади: Хоразм вилояти миослида аёлларда турли даражадаги семизликда ривожланган гонартрозда тизза бўғими патоморфологик хусусияларини ўрганиш.

Тадқиқотни материал ва усуллари: Хоразм вилояти мисолида аёлларда турли хил семизлик фонида юзага келган гонартрозларни юзага келиши тана вазни индекси ва жараённи давомийлиги, ва бошқа касалликларга боғлиқ ҳолда турлича морфологик шаклларда ривожлансада, микроскопик ўзгаришлари асосан дистрофик, некробиотик ва деструктив жараёнларни устунлиги билан боради. Гонартрозни қайси касалликлар фонида юзага келганлигини жинсга ва ёшга боғлиқ хусусияларини инобатга олган ҳолда, асосан медиал менискларда сурункали алтреация жараёни оқибатида қуйидиги ўзгаришлар аниқланади.

Жумладан, медиал менискларни олдинги ва ўрта шохларида коллаген толаларни бўқиши, ораликда хондроцитларни сон жихатдан камайганлиги, лакунар периваскуляр шишлар кўринишида хондроцитларни экстрацеллюляр матрикс синтези учун зарур бўлган нордон мукополисахаридларни камайиши, толали тузилмаларни мукоид бўқиши, фибриноид бўқиши, суяк тўқимасига бириккан сохаларида патологик калциноз ўчоқларини юзага келиши билан характер-ланиб, хочсимон бойламларни амартизацион хусусияларини кескин пасайиши ва медиал менискларни орқа, ўрта шохлари, латерал менискни олдинги шохда диагонал кўринишидаги иккиламчи шикастланишлар билан намоён бўлиши аниқланади. Жумладан, коллаген толалали тузилаларнинг йирик тутуамли кўриниши оралиғида лизис, дефрагментация, толаларнинг тилиши кўринишида намоён бўлиб, ораликда интерстициал шишларнинг шаклланганлиги аниқланади.

Бу эса, ўз навбатида шикастланган сохалардаги фавсцикуляр мембранада жойлашган фибробластларнинг пролиферацияси ривожланган ўчоқларнинг шаклланиши билан намоён бўлганлиги аниқланди. Ушбу жараён шикастланишдан кейинги даврнинг давомийлигига боғлиқ бўлиб,

беморларнинг жинси, конституционал тузилиши, шикастланиш даражасига боғлиқ бўлиб, хочсимон бойламларнинг йиртилиши, тилиши, баъзида гемортоз оқибатида юзаларига қон қуйилиши кўринишида намоён бўлиб, ҳаракат траекториясини издан чиқиши ва олдинги хочсимон бойламларни таянч нуқталарида қайта иккиламчи титилган ўчоқларнинг такомил топганлиги билан характерланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов Р. Х., Мусаев У. М., Рузметова Д. Т. Ятрогения на примерах из практики (По данным лет обзор) //International conference on multidisciplinary science. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 10-12.
2. Ражапов А. А. и др. Туғруқ травмаларида чақалоқларнинг ўлим сабаблари //international scientific innovation research conference. – 2024. – Т. 1. – №. 9. – С. 20-22.
3. Ражапов О. А. Каримов Расулбек Хасанович, Очилов Собир Мардиевич, & Бекчанов Азизбек Жуманазарович.(2025). ТУРЛИ ХИЛ ПАТОЛОГИК СИНИШЛАРНИНГ ЁШГА ДОИР УЧРАШИ. INTERNATIONAL CONFERENCE ON MEDICINE //SCIENCE, AND EDUCATION. – Т. 1. – №. 12. – С. 67-68.
4. Ражапов А. А., Каримов Р. Х., Очилов С. М. НАФАҚА ЁШИДАГИ БЕМОРЛАРДА ЧАНОҚ СУЯКЛАРИНИНГ НОСТАБИЛ СИНИШЛАРИ //AMERICAN JOURNAL OF APPLIED MEDICAL SCIENCE. – 2024. – Т. 2. – №. 5. – С. 74-81.
5. Ражапов А., Каримов Р., Очилов С. ТУРЛИ ХИЛ ПАТОЛОГИК СУЯК СИНИШЛАРИДА СУЯК ТЎҚИМАСИ МОРФОЛОГИЯСИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ //SOUTH ARAL SEA MEDICAL JOURNAL. – 2025. – Т. 1. – №. 2. – С. 84-90.
6. Машарипов, Жасурбек, Марон Олларипов и Расулбек Каримов. «ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ЧАҚИРИЛУВЧИЛАРИДА АНТРОПОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАР ТАВЛИЛИ». *Медицинский журнал Южного Приаралья* 1.4 (2025): 86-94.
7. Сабилов О., Каримов Р. ПОЛИЖАРОХАТЛАРДА ЎЛИМ САБАБЛАРИНИНГ КЛИНИК ВА МОРФОЛОГИК ТАҲЛИЛИ //South Aral Region Medical Journal. – 2026. – Т. 2. – №. 2. – С. 293-304.
8. Очилов С., Ражапов А., Каримов Р. ТУРЛИ ХИЛ ПАТОЛОГИК СУЯК СИНИШЛАРИДА СУЯК ТЎҚИМАСИ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ //South Aral Region Medical Journal. – 2026. – Т. 2. – №. 1. – С. 67-75.